

Джумаева С.К.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси катта ўқитувчиси

ИҚТИСОДИЁТДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

ДЖУМАЕВА С.К. ИҚТИСОДИЁТДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада хизматлар соҳасининг назарий жиҳатлари ўрганилган ва Ўзбекистон иқтисодиётида хизматлар соҳасининг диверсификациясини таъминлаш йўллари таҳлил қилинган, соҳанинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Бунда хизматлар соҳаси, диверсификация каби тушунчаларга муаллиф томонидан таъриф берилган.

Таянч иборалар: хизматлар соҳаси, диверсификация, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар, хонадон хизматлари, ишбилармонлик (касбий) хизматлари.

ДЖУМАЕВА С.К. РАЗВИТИЕ В СФЕРЫ УСЛУГ В ЭКОНОМИКЕ И ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПУТЕЙ ЕЁ ДИВЕРСИФИКАЦИИ

В статье рассматривается место и значение сферы услуг в экономике. А также, даётся авторская характеристика такой категории как диверсификация сферы услуг. Изучены теоретические сферы услуг и проанализированы пути обеспечения диверсификации сферы услуг в экономике Узбекистана.

Ключевые слова: услуги сектора, материальные, трудовые, финансовые ресурсы, услуги домашнего хозяйства, профессиональные деловые услуги.

DJUMAIEVA S.K. THE DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR IN THE ECONOMY AND ENSURING ITS DIVERSIFICATION OF ROUTES.

There is discussed in the article place and importance on the services sector in the economy of Uzbekistan. Also it is given the authors description of concepts such as services diversification. There is studied and analyzed ways to diversify the service sector.

Keywords: the diversification of the services sector, labor and financial resources, professional services.

Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва такомиллаштиришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эга.

Хизматлар иқтисодиётда ҳар доим муҳим ўрин тутган. Айрим хизматларнинг роли ишлаб чиқариш, тақсимот жараёнлари, айирбошлаш ва такрор ишлаб чиқариш тизимини узилишларсиз таъминловчи моддий ишлаб чиқариш маҳсулотларини истеъмол қилиш соҳалари билан боғлиқдир. Бошқа хизматлар эса ишчи кучининг ривожланишини таъминлаш, таълим ва маданий-технологик даражани ошириш, соғлиқни мустаҳкамлаш ва меҳнат қобилиятини ривожлантириш, ҳордиқ чиқаришни таъминлаш билан боғлиқ.

Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хизматлар соҳаси савдо ва транспорт соҳасидан тортиб молиялаштириш, суғурта ва бошқа турдаги воситачиликларни ўз ичига қамраб олади.

Кейинги йиллар давомида хизматлар соҳасида ишловчилар сони Ўзбекистон Республикаси ҳукумати амалга ошираётган сиёсатига кўра ўсиб бормоқда.

Умуман олганда, жаҳон миқёсида кечаётган жараёнлардан бири – ишлаб чиқаришдаги такомиллаштиришлар натижасида кўплаб товарларни кам ишчи кучи билан ишлаб чиқарилишини киритиш мумкин. Бу ҳолат кўплаб ишчи кучини ишлаб чиқариш соҳасидан озод қилиб, улар турли хил хизматлар кўрсатиш соҳаларига ўтишига сабаб бўлди. Яна бир бошқа муҳим омиллардан бири бўлиб технологик ривожланиш ҳисобланади. Бу технологик ривожланиш илгариги ўн йиллар давомида мавжуд бўлмаган компьютерларни қўллашга асосланган кўплаб хизматларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Хизматлар соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида функционал вазифаси аҳолига хизматлар ва маънавий неъматларни ишлаб чиқаришдан иборат бўлган

тармоқлар, тармоқ бўғинлари ва фаолият турларининг мажмуасидир.

Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаёти даражасини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш ва такомиллаштиришда хизматлар соҳаси муҳим аҳамиятга эгадир. Хизматлар соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, ишчининг бўш вақтини кўпайтиради, унинг меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги нооқилона харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада шинам ҳамда ёқимли қилади ва шу орқали Ўзбекистон аҳолисининг барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг ҳаётий манфаатларини юзага чиқаради.

Хизматларнинг иқтисодий табиати ва уларнинг тарқалиш соҳаларини тушунишдаги фарқлар сабабли замонавий иқтисодиётда хизматлар соҳасининг ўрни ва аҳамиятини баҳолашда кўпинча турлича фикрга эга бўлинади.

Кристофер Лавлок хизматлар таърифини бериш бўйича қуйидаги икки ёндашувни таклиф этади:

– хизматлар – бир томондан иккинчи томонга таклиф этиладиган ҳаракат ёки жараёндир. Ушбу жараённи амалга оширишда физик объектлар (товарлар) иштирок этишига қарамасдан, у ҳис қилиб бўлмаслик характерига эга ва бунда бирор-бир нарсага эгалик қилишга олиб келмайди;

– хизматлар – иқтисодий фаолият тури бўлиб, қимматликлар яратади ва аниқ вақт ва аниқ жойда хизматларни олишга қаратилган ҳис қилиб бўладиган ва ҳис қилиб бўлмайдиган ҳаракатлар натижасида истеъмолчиларга маълум бир устунликларни таъминлайди¹.

¹ Кристофер Лавлок. Маркетинг услуг: Персонал, технологии, стратегия, 4-е изд.: пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005. – С. 34.

Маркетологлар орасида Ф.Котлер томонидан таклиф этилган хизматларнинг таърифи оммабоп бўлиб бормоқда: «Хизмат – ҳар қандай чора-тадбир ёки фойда бўлиб, бунда бир томон иккинчи томонга ҳис қилиб бўлмайдиган нарсани таклиф этади ва бу ҳолат таклиф қилинаётган нарсага эгалик қилишга олиб келмайди»¹.

Ф.Котлер хизматларнинг асосий хоссалари сифатида ҳис қилиб бўлмаслик, ўз манбасидан ажратиб бўлмаслик, сифатининг беқарорлиги ва сақланмаслиги каби хоссаларини кўрсатиб ўтади. Бундан ташқари, хизмат қуйидаги хусусиятларга эга эканлиги таъкидланади:

- хизматлар уларни ишлаб чиқармайдиган кишилар учун фойдалиликка эгадир;

- фаолият турлари билан айирбошлаш жараёнида фойдали бўлади (бу кўпинча товар шаклига эга хизматлар учун тааллуқлидир);

- кўпинча инсоннинг ҳаёт фаолияти ва ишлаб чиқаришнинг умумий шароитларини таъминлаш билан боғлиқ бўлади.

Хизматлар кўрсатишнинг давлат сектори соф ижтимоий неъмат бўлган хизматларни ишлаб чиқариш билан чекланмайди. Давлат хизмат кўрсатиш нормативлари ва бошқа хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бўйича тартибга солувчиларни ўрнатиш орқали хизматлар соҳасига фаол таъсир кўрсатади.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, инсоннинг бўш вақтини кўпайтиради, унинг меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги оқилона бўлмаган харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада шинам ҳамда ёқимли қилади ва шу орқали аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари, қатламларининг ҳаётий манфатларини юзага чиқаради.

Хизматларнинг қуйидаги гуруҳлари мавжуд:

- хонадон хизматлари шаклида бўлган қадимий хизмат тури шахсий хизматга киради ва диверсификациялашган бўлади (сартарошлар);

- соғлиқни сақлаш, маориф ва дам олиш (театр, спектакллар) соҳаларига тааллуқли бўлган хизматлар;

- уй-жойларни фойдаланишга бериш, ушбу тоифага меҳмонхоналар ва ресторанларни ушлаб туриш бўйича фаолиятлар;

- алоқа воситалари (транспорт, почта ва телекоммуникацияларнинг ишлаши ва инфраструктураси);

- молиявий хизматлар (кредит, банклар, суғурта ташкилотлари томонидан таклиф этилаётган бошқа хизматлар);

- жамият ҳимоясини таъминловчи ва жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларда тартибни сақлаш (мамлакат мудофааси, милиция, маҳаллий ва миллий даражадаги умумий бошқарув) умумий хизматларга киради; «давлат хизматларининг» ушбу ядросининг моҳияти шундан иборатки, давлат ҳукумати уларни ташкил этиши, бошқариши ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг диверсификацияси янги пайдо бўлган хизматларнинг турлари, сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Диверсификация (лотинчадан *diversus* – ҳар хил ва *facere* – қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар асортиментларини кўпайтириш. Диверсификация стратегияси – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожлантириш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижо-

¹ Котлер Ф. Основы маркетинга. – М.: «Прогресс», 1990. – С. 638.

рат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденцияларидан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади.

Жамиятда доимо янги хизматлар пайдо бўлмоқда ва уларга қуйидагиларни кириштириш мумкин:

- янги турдаги ишбилармонлик (касбий) хизматлари – кўчмас мулк билан савдо қилиш, вақтинчалик эркин пулларни жойлаштириш, ахборот, маркетинг ва реклама хизматлари, бухгалтерия баланси ва ҳисоботларни тузиш;

- болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича хизматлар, хусусий боғчалар ва мактаблар;

- уй ҳайвонларига қараш бўйича хизматлар – ҳайвонларни даволаш, боқиш, сайр қилдириш ва вақтинчалик қараб туриш;

- жамиятда эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа турли-туман хизматлар турлари.

Бир вақтнинг ўзида дунёда хизматларнинг диверсификацияси ҳам кузатилмоқда. Илгари ўз хусусиятлари билан ажралиб турган хизматлар битта компания миқёсида бирлашмоқдалар. Компания бир қатор хизматлар мажмуасини таклиф этиш орқали ўз рақобатбардошлигини ошириши ёки хизматларни диверсификациялаш орқали мумкин бўлган таваккалчиликларни камайтириши мумкин. Жумладан, банк, биржа ва воситачилик хизматлари ягона молиявий хизматлар мажмуасига бирлашмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз иқтисодиётини, жумладан хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳолати тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: «Бунда нафақат замонавий ва қулай коттежлар қуриш, айни вақтда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, му-

сиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш объектлари, кенг ва равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш кўзда тутилмоқда»¹.

Бугунги кунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг мустақил соҳасига айланиб бормоқда. Бу ҳолат қуйидаги сабабларга кўра юзага келди: давлат молиялаштирилишининг камайиши, яъни мулк шаклини ўзгартириш жараёнларининг таъсири ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида аҳоли ва ташкилотларга пуллик хизматлар кўрсатишнинг ошиб бориши; кўплаб янги хизмат турларининг пайдо бўлиши (бухгалтерлик, брокерлик хизматлари ва ҳ.к.); хизмат кўрсатиш корхоналари орасида рақобатнинг кучайиб боришидир.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг жадал ривожланиши таъминланди. 2015 йилда хизматлар ҳажми 10,8 фоизга, чакана товар айланмаси 15 фоиздан зиёдга ўсди. Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳаси улуши 2010 йилдаги 49 фоиз ўрнига 54,5 фоизга етди².

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2010 йил 30 январь.

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устуворликларни босқичма-босқич амалга ошириш республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда. Жумладан, 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган чоратадбирлар хизматлар соҳасининг ривожланишига имкон беради:

- хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ижтимоий маҳсулотни кўпайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушини 48,7 фоизга етказиш;

- 2020 йилга бориб қишлоқ жойларда хизматларни 1,8 бараварга ўстириш;

- муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига хизматлар соҳаси, таркибий ўзгаришларини жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- рақобат муҳитини шакллантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- турли инновация хизматлари, янги алоқа воситаларини кенгайтириш;

- аҳолининг телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиши, техник имкониятларини таъминлаш, улар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш, телефон алоқаси ва телевидениенинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтиш, 2020 йилга бориб алоқа ва ахборотлаштиришнинг республика иқтисодиётидаги улушини 2,5 фоизгача етказиш;

- энг янги электрон, тўлов технологияларини жорий этган ҳолда хизматларни ривожлантириш;

- соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологияли хизматларни янада ривожлантириш¹.

Тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш соҳасига ажратиладиган кредитларнинг ҳажми республика миқёсида 2016 йилда 1797180 млн сўмдан 2020 йилга келиб 2631251 млн сўмни ташкил этиши мўлжалланган (1-жадвал). Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 86216 млн сўмдан 126229 млн сўмга, Андижон вилоятида 88145 млн сўмдан 129053 млн сўмга, Бухоро вилоятида 77028 млн сўмдан 112776 млн сўмга, Жиззах вилоятида 50654 млн сўмдан 74163 млн сўмга, Қашқадарё вилоятида 130948 млн сўмдан 191722 млн сўмга, Навоий вилоятида 60479 млн сўмдан 88547 млн сўмга, Наманган вилоятида 67861 млн сўмдан 99356 млн сўмга, Самарқанд вилоятида 148783 млн сўмдан 217834 млн сўмга, Сурхондарё вилоятида 103876 млн сўмдан 152085 млн сўмга, Сирдарё вилоятида 36161 млн сўмдан 52944 млн сўмга, Тошкент вилоятида 106185 млн сўмдан 155466 млн сўмга, Фарғона вилоятида 109171 млн сўмдан 159837 млн сўмга, Хоразм вилоятида 58999 млн сўмдан 86380 млн сўмга, шу жумладан, Тошкент шаҳрида 2016 йилда 672673 млн сўмни ва 2020 йилга келиб 934861 млн сўмни ташкил этиб, 1,6 марта ўсиши кутилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги жуда кўплаб омил ва хусусиятлар, жумладан, республикамизнинг геосиёсий ва геостратегик ҳолати; иқтисодий тизимни босқичма-босқич ислоҳ қилиш; давлатнинг фаол, белгиловчи роли; ислохотларга қадар даврдаги иқтисодиётнинг таркибий тузилишидаги номувофиқликлар; кучли ижтимоий сиёсат зарурлиги кабиларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга бозор механизмларининг самарали амал қилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар, шу жумладан, хизматлар соҳасининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги «2016–2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 55-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 89-модда.

1-жадвал. 2016-2020 йилларда тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш соҳасига ажратиладиган кредитларнинг ҳажми¹

№	Худудларнинг номланиши	2016 йил		2018 йил		2020 йил		2020 й. 2015 й.га н-н. фоизда
		млн. сўм	ўсиш суъати	млн. сўм	ўсиш суъати	млн. сўм	ўсиш суъати	ўсиш суъати
	Ўзбекистон Республикаси	1797180	110,0	2174588	110,0	2631251	110,0	1,6 марта
	Шу жумладан							
1	Қорақалпоғистон Республикаси	86216	110,0	104321	110,0	126229	110,0	1,6 марта
2	Андижон вилояти	88145	110,0	106656	110,0	129053	110,0	1,6 марта
3	Бухоро вилояти	77028	110,0	93203	110,0	112776	110,0	1,6 марта
4	Жиззах вилояти	50654	110,0	61292	110,0	74163	110,0	1,6 марта
5	Қашқадарё вилояти	130948	110,0	158448	110,0	191722	110,0	1,6 марта
6	Навоий вилояти	60479	110,0	73180	110,0	88547	110,0	1,6 марта
7	Наманган вилояти	67861	110,0	82112	110,0	99356	110,0	1,6 марта
8	Самарқанд вилояти	148783	110,0	180028	110,0	217834	110,0	1,6 марта
9	Сурхондарё вилояти	103876	110,0	125690	110,0	152085	110,0	1,6 марта
10	Сирдарё вилояти	36161	110,0	43755	110,0	52944	110,0	1,6 марта
11	Тошкент вилояти	106185	110,0	128484	110,0	155466	110,0	1,6 марта
12	Фарғона вилояти	109171	110,0	132096	110,0	159837	110,0	1,6 марта
13	Хоразм вилояти	58999	110,0	71388	110,0	86380	110,0	1,6 марта
14	Тошкент шаҳри	672673	110,0	813934	110,0	934861	110,0	1,6 марта

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ижтимоий маҳсулотни 2016 йилда 47,5 фоизга кўпайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушини 2020 йилда 48,7 фоизга етказиш кутилмоқда, республика бўйлаб 111,2 фоиздан 113,3 фоизга, яъни 1,8 мартага ошириш назарда тутилмоқда.

Шу жумладан, алоқа ва информацион технологиялар хизматини 119,6 фоиздан 127,8 фоизга, молиявий хизматларни 112,2 фоиздан 113,0 фоизга, транспорт хизматларини 107,0 фоиздан 109,4 фоизга, овқатланиш ва яшаш хизматларини 111,5 фоиздан 112,7 фоизга, савдо хизматларини 110,0 фоиздан 111,0 фоизга, кўчмас мулк хизматларини 107,0 фоиздан 110,0 фоизга етказиш, таълим доирасидаги хизматларни 108,3 фоиздан 110,0 фоизга, соғлиқни сақлаш доирасидаги хизматларни 113,7 фоиздан 114,0 фоизга, ижара хизматларини 112,0 фоиздан 112,8 фоизга, маиший хизмат

товарлари ва компьютерларни таъмирлаш хизматларини 110,0 фоиздан 111,0 фоизга, индивидуал хизматларни 110,0 фоиздан 111,5 фоизга, архитектура, муҳандислик изланувчанлик ва техник синов ва таҳлиллар хизматларини 111,5 фоиздан 111,9 фоизга, бошқа хизматларни эса 111,5 фоиздан 112,7 фоизга ошириш вазифаси белгиланди (2-жадвал).

Таъкидлаш жоизки, хизматлар соҳасини ривожлантириш узоқ давом этувчи ва мураккаб жараён ҳисобланади. Айниқса, унинг таркибидаги тузилмаларни барпо этиш учун уларнинг иқтисодий табиатидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ёндашув зарур бўлиб, бу борадаги тадбирлар босқичма-босқич ва изчил равишда амалга ошириб борилиши лозим. Шунга кўра, юртбошимиз Ислон Каримов, авваламбор, бозор шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро муносабатларни таъминлайдиган муҳит яратиш зарурлиги-

2-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича мақсадли параметрлари¹ (олдинги йилга нисбатан %да)

№	Хизматлар номланиши	2016 йил	2018 йил	2020 йил	2020 й. 2015 й.га н-н
	ЯИМдаги улуши	47,5	48,2	48,7	
	Ўзбекистон Республикаси	111,2	112,2	113,3	1,8 марта
	Шу жумладан:				
1	Алоқа ва информацион хизматлар	119,6	123,8	127,8	2,9 марта
2	Молиявий хизматлар	112,2	112,5	113,0	1,8 марта
3	Транспорт хизматлари	107,0	108,2	109,4	1,5 марта
3.1	Шу жумладан автотранспорт хизматлари	108,0	108,4	109,5	1,5 марта
4	Овқатланиш ва яшаш хизматлари	111,5	112,1	112,7	1,8 марта
5	Савдо хизматлари	110,0	110,5	111,0	1,6 марта
6	Кўчмас мулк хизматлари	107,0	108,6	110,0	1,5 марта
7	Таълим доирасидаги хизматлар	108,3	108,9	110,0	1,5 марта
8	Соғлиқни сақлаш доирасидаги хизматлар	113,7	113,8	114,0	1,9 марта
9	Ижара хизматлари	112,0	112,3	112,8	1,8 марта
10	Маиший хизмат товарлари ва компьютерларни таъмирлаш хизматлари	110,0	110,5	111,0	1,6 марта
11	Индивидуал хизматлар	110,0	110,9	111,5	1,7 марта
12	Архитектура, муҳандислик изланувчанлик ва техник синов ва таҳлиллар хизматлари	111,5	111,7	111,9	1,7 марта
13	Бошқа хизматлар	111,5	112,1	112,7	1,8 марта

ни таъкидлаган ҳолда хизматлар бозорини яратиш биринчи даражали вазифалардан эканлигини кўрсатиб берди.

Республикамизнинг қишлоқ жойларида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш катта аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда ушбу соҳани кенгроқ ривожлантириш чора-тадбирларини қўллаш зарурдир. Қишлоқда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар кўрсатиш ҳажми шаҳардагига нисбатан анча ортда қолмоқда. Шунингдек, қишлоқ жойларида алоқа хизмати, банк-молия ва коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд бўлиб, ундан самарали фойдаланиш зарур.

Шунингдек, 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурида қишлоқ жойларидаги хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича мақсадли параметрлар ишлаб чиқилган бўлиб, республика бўйича 1,8 марта, шу жумладан, ахборот ва информацион хизматларни 2,9 марта, молиявий хизматни 1,8 марта, транспорт хизматини 1,7 марта, шунингдек, автотран-

спорт хизматини 1,6 марта, овқатланиш ва яшаш хизматларини 1,9 марта, савдо хизматини 1,7 марта, таълим доирасидаги хизматларни 1,7 марта, соғлиқни сақлаш доирасидаги хизматларни 2,0 марта, ижара хизматларини 1,8 марта, яқка тартибдаги хизматларни 1,8 марта ва бошқа хизматларни 1,9 мартага ошириш мўлжалланган.

Ушбу дастурни амалга оширишда, яъни қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш учун қуйидагиларга аҳамият қаратмоқ зарурдир:

- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш имкониятларидан фойдаланган ҳолда, барча мавжуд ресурсларни жалб қилиш;

- коммунал ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида қўшимча кичик корхоналарни ташкил этиш;

- ичимлик суви билан таъминлаш тизимини модернизациялаш ва таъмирлаш бўйича бажариладиган ишларни жадаллаштириш;

- қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш ва

янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;

– қишлоқ жойларида автоматлаштирилган молия тўловларига ўтиш, электрон пул ўтказишни такомиллаштириш;

– қишлоқ аҳолисига таълим хизматларини кўрсатиш ва пуллик таълим хизматларини ташкил этиш, фуқароларнинг маълумот эгаллаш билан боғлиқ хизматларини ташкил этиш ва кенгайтириш;

– қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини оширишда тиббий хизматларни

жорий этиш ва юқори хизмат кўрсатишни такомиллаштириш.

Хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган бу каби чора-тадбирларнинг кенг миқёсда амалга оширилиши маълум вақт ичида ушбу соҳа муассасалари фаолиятининг кенгайиши, иш самарадорлигининг ошиши ва пировард натижада иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши орқали республикамиз аҳолиси моддий фаровонлигининг янада юксалишига имкон яратади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги «2016–2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 55-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 89-модда.

3. Кристофер Лавлок. Маркетинг услуг: Персонал, технологии, стратегия, 4-е изд.: пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005. –34-б.

4. Котлер Ф. Основы маркетинга. – М.: «Прогресс», 1990. –638-б.